

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

«Калом илми»

фани бўйича

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Тошкент 2010 й

Тузувчи:
т.ф.н. С.Оқилов

1-МАВЗУ. САҲОБАЛАР ДАВРИДА КАЛОМ ИЛМИ ВА КЕЙИНГИ ДАВРДАГИ РИВОЖИ

РЕЖА:

- 1. Дастлабки ақидавий ихтилофлар ва калом илмининг дастлабки вакиллари.**
- 2. Калом илмига нисбатан уламоларнинг билдирган фикрлари.**
- 3. Калом илмининг турли тарихий номлари.**

Таянч иборалар: Калом, ақоид, ихтилоф, мутакаллим, ал-Фикҳ л-акбар, илоғиёт.

1. Дастлабки ақидавий ихтилофлар ва калом илмининг дастлабки вакиллари. Пайғамбаримиз даврларида Қуръони карим вақти-вақти билан нозил бўлар эди. Қуръон илмлари ҳам хали пайдо бўлмаган эди. Ўша даврда саҳобалар маънолари тушунарсиз (муташибих) оятлар борасида у зотга кўплаб саволлар берар эдилар. Бунинг натижасида турли хил ихтилофлар келиб чиқар эди. Жалолиддин ас-Суютий «Савн ал-мантиқ» асарида таъкидлашича, Ибн Аббос (р.а.) шундай деган: «Ихтилофлар авж ола бошлагач, Расулуллоҳ (с.а.в.) қалбларга шак-шубҳа тушишига сабаб бўлаётган муташибих оятлар ҳақида баҳс юритишни кескин таъқиқлаб қўйганлар». Ибн Аббос яна таъкидлашича, «Биринчи бўлиб бу суннатга хилоф иш тутган Абдуллоҳ ибн Сабигдир. У Мадинага келганда муташибих оятлар ҳақида баҳс юрита бошлади. Халифа Умар ибн Хаттоб (р.а.) уни ўз хузурларига чақириб исмини сўрадилар. Сўнг уни хурмонинг қуриган шоҳи билан боши қонагунча саваладилар. Сабиг турган жойида тик тураверди. Чунки у муташибих оятлар ҳақида баҳс юритишни тарк этишга бир неча бор ваъда берган эди. Абдуллоҳ ибн Сабиг шундай деди: “Агар мени ўлдиришни хоҳласангиз чиройли ўлим билан ўлдиринг”. Бироқ, Ҳазрати Умар (р.а.) уни қўйиб юбордилар ва Абу Мусо ал-Ашъарийга у билан ҳеч бир мусулмон бирга ўтирмаслигини тайинладилар». Демак, пайғамбаримиз даврлариданок айрим ақидавий ихтилофлар сабабли калом илмига мойиллик пайдо бўла бошлаган эди.

Лекин калом илми араб халифалигида VIII асрда пайдо бўлган. Калом илми турли ақидавий масалаларда ўзаро тортишув ва низолар натижасида юзага келган турли оқимларнинг (хорижийлар, қадарийлар, жабарийлар, муржийлар) ўзаро олиб борган баҳс-мунозаралари ва ғайридинлардан маздаизм ва насронийларнинг ҳам юқоридаги оқимлар билан бўлган тортишувлари натижасида шаклланиб ривожланган. Калом илми билан машғул бўлган диний уламолар “мутакаллим” деб аталган. Мутакаллимлар ақидавий масалаларни ечишда нақлий далиллар билан бир қаторда ўз тафаккурлари, яъни ақл-идрокларига ҳам суяниб иш тутганлар. Нақлий далилларни келтирганда ҳам Қуръонни шарҳлар эканлар уни ўзгача тарзда

тафсир қилганлар. Мутакаллимларнинг Қуръонни бундай шаклда шарҳлашларини баъзи уламолар тафсирнинг «ат-Тафсир бир-раъй» туридан ҳисоблаб, уни тафсир деб атаса бўлади, деган фикрга келганлар. Аммо аксарият салаф уламолари Қуръонни бу шаклдаги шарҳини тафсир деб аташ нотўғри, балки уни «таъвил» деб аташ керак деган фикрни билдирганлар.

Калом илмига оид масалаларни биз дастлаб ал-Жаъд ибн Дирҳам (125-743 й.)нинг ижодида учратишимиз мумкин. Ал-Жаъд биринчилардан бўлиб Қуръоннинг вақти-вақти билан яратилган (махлук) деган концепция, ҳамда инсонда ирода эркинлиги каби масалаларни илгари сурган. Унинг фикр-мулоҳазаларини шогирди Жаҳм ибн Саффон ас-Самарқандий (в.745 й.) давом эттирган. Жаҳм ибн Саффон ас-Самарқандий кейинчалик «жаҳмия» оқимига асос солган.

2. Калом илмига нисбатан уламоларнинг билдирган фикрлари.

Калом илми пайдо бўлганда дастлаб салаф уламолари унга кескин қаршилик билдирганлар. Чунки улар шаръий масалаларни очишда нақлий далил (Қуръон ва ҳадис) кифоядир деган ақидада мустаҳкам турганлар ва нақл билан бир қаторда ақлий тафаккурга ҳам ўрин ажратган калом илмини кескин қоралаганлар. Калом илмининг қаршиликка учрашига улар қуйидаги омилларни сабаб қилганлар:

1. «Ўзи»нинг Китоби ва Расулининг суннати билан Аллоҳ мусулмонларни Аллоҳни таниш ва тавҳидини исботлаш, исмлари ва сифатларини билиш учун бошқа манбаларга мурожаат қилишдан беҳожат қилди.

2. Ислом динида Пайғамбаримиз (с.а.в.) ёритиб бермаган ва баёни комил тушунтирилмаган на аслий ва на фаръий бирорта масала ҳам қолмаган. Бунга қуйидаги оятни далил қиладилар:

«Бугунги кунда Мен сизнинг динингизни мукаммал қилиб бердим. Сизга неъматимни батамом қилдим. Ва сизга Исломни дин деб рози бўлдим»
(“Моида” сураси, 3- оят).

3. Салаф уламолари калом илми масалалари, терминлари ва баҳслари билан шуғулланиш фойда бермайдиган ортиқча гап сотиш деб ҳисоблайдилар. У билан шуғулланган инсон қувватини ва вақтини зое кетказди. Чунки Аллоҳ ўз бандаларига ҳозирги ва келажак даврда керак бўладиган барча нарсаларни баён этган.

4. Китоб ва суннатда келтирилмаган калом илми терминларини қўллаш фитналар, қўркув ва гумонларга сабаб бўлади.

Калом илмига дастлаб қуйидаги уламолар салбий муносабат билдирганлар:

Абу Ҳанифа (р.а.): «Амр бин Убайдни худо урсин. Калом илмига ўша эшик очиб берди».

Абу Юсуф: «Калом илмини ўрганиш, билиш жаҳолатдир. Уни билмаслик эса илмдир».

Имом Шофийий калом илмига энг қаттиқ қаршилик кўрсатган: «Аҳли калом ҳақида менинг фикрим қуйидагича: Уларни дарахт пўстлоқлари ва ковушлар билан савалаб, эшакка тескари мингазиб ўз қабилаларига сазойи

қилиш керак ва қабила аҳллариға бундай жазо фақат Қуръон ва суннатни тарқ қилганларға берилур, дея жар солиш керак».

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал: «Калом илми билан шуғулланувчи одам ҳеч қачон иқболли бўлмас».

Абул Лайс ал-Ҳофиз: «Қайси бир олим калом илми билан шуғулланса, унинг исми уламолар сафидан ўчириб ташлансин».

Лекин калом илмига бўлган бундай совуқ муносабатлар асосан мусулмон оламида пайдо бўлган мўътазилийларнинг таълимотларига қарши қаратилган эди. Шунинг учун бироз вақт ўтгач уламолар калом илмига нисбатан ижобий муносабат билдира бошладилар. Калом уламолари ўз илмларини ҳимоя қилишда қуйидаги ҳужжатларга таянганлар:

1. Калом илми табаа тобиинлар замонида зоҳир бўлган ва бу илм маъқул деб тан олинган. Шу нуқтаи назардан бу илмни “бидъат ҳасана” деб ҳисоблаш керак.

2. Ақлий далиллар дин асослари саҳиҳлигини ва ҳақиқатлигини билимсизларга тушунтириш учун зарурдир.

3. Агар диннинг асоси ақл эмас, фақат эргашишилиқ деб белгиланса, бу Қуръонга зид фикрдир. Чунки Аллоҳ Қуръонда тақлид қилишни қоралаган ва инсонларни назар солиб ақл юритишга чақиради.

Калом илмига нисбатан қуйидаги уламолар ижобий фикр билдирганлар:

Калом илми муътазилийларнинг аҳли сунна вал жамоа эътиқодига кескин қилган хуружлари натижасида олимларнинг аксарияти наздида ижобий эътироф этила бошланди. Масалан, мотуридиянинг машҳур вакили Абу Юсуф ал-Паздавий шундай деган: «Калом илми фарзи аён бўлган усул ад-диннинг шарҳидир. Бу илм билан шуғулланиш шу қадар зарурки, уни эътиқодлилардан ўрганиш мубоҳ, ҳатто фарзи кифоя даражасидадир».

Абу Ҳомид Муҳаммад ал-Ғаззолий «Ихё улум ад-дин» асарида шундай деган: «Ҳаж зиёратига борувчиларни йўлтўсар қароқчилардан ҳимоя қилиш учун қўриқлаб борувчи соқчиларнинг шарт бўлгани каби, чуқур билимга эга бўлмаган оддий мусулмонларнинг диний эътиқодларини турли бидъат ва нотўғри ғоялардан қўриқлаш учун калом илмини ўрганиш вожибдир».

Саъдиддин ат-Тафтазоний ўзининг «Мақосид ат-толибин» номли асарида калом илмига шундай шарҳ беради: «Калом илми диний ақоид усулларини ишончли далиллар асосида англашни ўргатадиган илмдир. У билан шаръий, назарий ақидавий масалалар ҳал қилинади. Унинг натижаси имонга комил ишонч билан зийнат бериш, фойдаси эса бу дунёда интизомли ҳаёт кечириш ва охирабда азоб-уқубатдан халос топишдир. Шундай экан, калом илми энг шарафли илмдир».

3. Калом илмининг турли тарихий номлари. «Калом» арабча сўз бўлиб, гап, нутқ, баён каби маъноларни англатади. Калом илми аслида ақоид илмининг исмларидан биридир. Чунки ақоид илми ўз тарихининг турли босқичларида шароит ва тушунчалардан келиб чиқиб, бир неча номлар билан аталган. Дастлаб ислом илмларининг барчаси умумий тарзда «Исломий илмлар» ёки «Фикҳий илмлар» деб аталган. Ақидавий мавзуларга оид илмлар

дастлаб “ал-Фикҳ ал-акбар”, фикҳга доир илмлар эса, “ал-Фикҳ ал-асғар” деб аталган. Сўнгра ундан турли илмлар (ҳадис, тафсир, фикҳ, тасаввуф, ақоид) ҳосил бўлиб, ислом динига хос илм сифатида эътироф этила бошлаган. Ақоид ва калом илмлари ҳам ўзларининг ушбу номларида барқарор қолгунча турли номлар билан аталиб турган. Демак, «ал-Фикҳ ал-акбар» калом, ақоиднинг дастлабки номи деб ғисобласа бўлади.

Шу тариқа Калом илми турли даврларда «ал-Фикҳ ал-акбар», «Илм ал-калом», «Усул ад-дин», «Илм ат-тавҳид» ва ниҳоят сўнги номи «Ақоид» ва “Калом” деган номлар билан аталган.

«Калом» ақоиднинг энг машҳур исми ҳисобланиб, «ал-Фикҳ ал-акбар» исми билан бир асрда, яъни II/VIII асрда юзага келган. Чунки бу исм Имом Абу Ҳанифа, Имом Шофий, Имом Молик ва бошқалардан ривоят қилинган.

Ҳозирги даврга келиб ғарб ва турк шарқшунослари ушбу илмга нисбатан «Илоҳиёт» ва «Теология» каби исмларни ишлатмоқдалар. Чунки кейинги асрларда ақоид илми тўртта таснифга бўлинган: 1. *Илоҳиёт*. Бунда Илоҳ ва У зотга тегишли масалалар ҳақида баҳс юритилади; 2. *Нубувват*. Бунда ваҳий, пайғамбарлик, расуллар ва уларга тегишли масалалар ҳақида баҳс юритилади; 3. *Кавнийёт*. Бунда борлиқдаги мавжуд инсон, фаришта, жин ва сабабият қонунлари ҳақида баҳс юритилади; 4. *Самъийёт*. Бунда эшитиш билангина, яъни асосан нақлга таянилган ҳолда собит бўладиган ақидалар ҳақида баҳс юритилади. Булар асосан ғайб оламига тегишли масалалар ҳисобланади.

Ақоиднинг юқорида келтирилган номларига келсак, тарихда уларнинг барчасига тааллуқли асарлар битилган. Масалан, «ал-Фикҳ ал-акбар» номини биринчи бўлиб Абу Ҳанифа қўллаган ва шу ном билан ўзининг ақоид илмига оид машҳур рисоласини ёзган. «Усул ад-дин» номини биринчи бўлиб қўллаган шахс Абул Ҳасан ал-Ашъарий бўлган. Унинг «ал-Ибона ан усул ад-дийана» номли асари мавжуд бўлган. Ақоид илмининг ушбу номига яна Абул Муин ан-Насафийнинг бизга маълум бўлган «Табсират ал-адилла фи усул ад-дин» асарини ҳам мисол келтириш мумкин. Ақоиднинг «Илм ат-тавҳид» номини эса, биз бевосита Абу Мансур ал-Мотуридийнинг «Китоб ат-тавҳид» асарида учратишимиз мумкин. «Илм ал-ақоид» номига эса Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Ақоид ан-Насафий» номли асари ёрқин мисол бўла олади. Ақоиднинг мазкур номлари умумий тарзда «Илм ал-калом» деб аталган ва ушбу соҳа вакиллари «мутакаллим» номи билан эътироф этилган.

Ўтилган мазу бўйича саволлар:

1. Абдуллоҳ ибн Сабиғ ким эди?
2. Калом илмига дастлаб уламолар қандай муносабатда бўлганлар?
3. Калом илмига муносабат қачондан ижобий тарафга ўзгарди?
4. Калом, ақоид илмининг қандай тарихий номлари бўлган?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Окилов С. Абул Муин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридия таълимоти / Монография. – Т.: Нур полиграф, 2008. – 190 б.
2. Мансуров А. Ақоид матнлари. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси, 2006. – 56 б.
3. Абул Муин ан-Насафий. Баҳр ал-калом. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2005. – 213 б.
4. Рудольф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Рус тилидан таржима. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – 398 б.

2-МАВЗУ. МУЪТАЗИЛИЯ ТАЪЛИМОТИ ТАРИХИ

РЕЖА:

- 1. Муътазилия таълимотининг юзага келиши (Восил ибн Ато ақидаси).**
- 2. Муътазилия таълимотининг беш асоси ва ақидавий қарашлари.**

Таянч иборалар: муътазилия, манзила байнал манзилатайн, ал-адл, тавҳид, калом, ал-усул ал-хамса.

1. Муътазилия таълимотининг юзага келиши (Восил ибн Ато ақидаси). Калом илми деганда, инсон кўз ўнгида аввало муътазилия таълимоти намоён бўлиши табиий ҳолдир. Чунки айнан ушбу таълимот вакиллари ақидавий қарашлари натижасида ушбу илм “калом” деб ном олган. Шунингдек, калом илмида биринчи йирик йўналиш ҳам муътазилия таълимоти ҳисобланади. Муътазилиянинг тарихи Ҳасан ал-Басрийнинг собиқ шогирдларидан бўлган Восил ибн Ато ва Амр ибн Убайдга бориб тақалади. Муътазилийлар Дамашқ ва Бағдод халифалиги ҳаётида VII-IX асрларда муҳим ўрин тутганлар. Ҳасан ал-Басрий (в. 110/728 й.) даврасидан шогирдлари Восил ибн Ато (в. 131/748 й.) ва Амр ибн Убайд (в. 144/761 й.) ўзларининг “манзила байнал манзилатайн” (аросат) мавзуидаги ақидалари билан ажралиб чиқадилар ва «муътазила» (ажралганлар) номини оладилар.

Умавий халифа Ҳишом ибн Абдулмалик даврида Шайх Ҳасан ал-Басрий ҳузурига бир одам келиб: “Эй динимизнинг пешвоси, замонамизда бир жамоа пайдо бўлган, улар гуноҳи кабира қилувчиларни кофир ҳисоблайдилар. Яна бир жамоа эса, кофирга тоат фойда қилмаганидек, мўъминга ҳам гуноҳ зарар қилмайди, дейдилар. Улар ҳақида сиз нима дейсиз?», – деб сўради. Ҳасан ал-Басрий фикрга чўмиб, жавоб беришга улгурмай Восил ибн Ато ўрнидан туриб, масжид устунига суяниб деди: «Мен гуноҳи кабира қилганни мутлоқ мўъмин демайман, мутлоқ кофир ҳам

эмас, икковининг ўртасидаги манзилатдадир. Мўъминлик мактов исмдир, фосиқ эса мактовга лойиқ эмас, демак бундай одам мўъмин бўлолмайди. Уни кофир ҳам деб бўлмайди, чунки у шаҳодат калимасини айтган. Агар тавба қилмай ўлса, абадий дўзахга тушади, чунки охиратда фақат икки тоифалар: жаннатга тушувчилар ва дўзахга тушувчиларгина бўлади. Лекин фосиқнинг азоби кофирнинг азобидан енгилроқ бўлади», – деб жавоб беради. Ҳасан ал-Басрий: «Восил бизлардан ажради» – дедилар. Шундан буён бу тоифа «муътазила» (ажралган) деб номланади.

Муътазилийларнинг ўзлари ҳам доим бир-бири билан мубоҳасада бўлувчи бир неча гуруҳларга бўлинган эдилар. Уларнинг энг катта ва кучлиси Бағдод ва Басра мактаблари эди. Бағдод мактаби бошида Бишр ибн ал-Муътамар, Басра мактаби бошида эса Восил ибн Ато турарди. Мазкур икки мактаб вакиллари орасида кучли баҳслар бўлган. Бу икки мактаб ўртасидаги тортишувларни муътазилия олими Абу Рашид ан-Найсабурий (в. 415/1024 й)нинг “ал-Масоил фил хилаф байнал басрийин вал-бағдодийин” (1979 йил Байрутда нашр этирилган) номли китобида яққол кўриш мумкин.

Муътазилийлар умавийлар давлатига муҳолиф бўлиб фаолият олиб борганлар. Зайдийларга хайрихоҳликлари туфайли аббосийлар ҳам уларга дастлаб салбий муносабатда бўлдилар. Айниқса, Хорун ар-Рашид даврида улар катта таъқиб остига олинадилар. Лекин Маъмун ва ундан кейинги 2 халифа ал-Муътасим ва ал-Восиқ даврларида (813-847) аҳвол бутунлай ўзгариб, улар аббосийларнинг суюкли пешволарига айланадилар ва ҳатто баъзи йирик давлат мансабларига ҳам сазовор бўладилар. Чунки халифа Маъмун ҳам ёшлигидан муътазилийларнинг обрўли олими Абу Ҳузайл ал-Аллофдан сабоқ олган эди. Халифа Маъмун даврида муътазилийлар жуда катта кучга эга бўладилар. Ҳокимиятнинг катта лавозимларини ҳам улар эгаллаганлар. Улар “ал-Михна” деган уюшма ташкил қилиб, ўзларининг ақидаларига эргашмаган уламоларни каттик таъқиб остига олганлар. Бу даврдаги энг устивор ақида шуюҳасиз. “Қуръон яратилган” деган ақида турар эди. “ал-Михна” ҳарактининг илғор вакилларида бири Ибн Аби Довуд бу борада энг жонкуярлардан эди. Тарихдан унинг машҳур олим Имом Аҳмад ибн Ҳанбални жазолатгани ҳақидаги хабарлар етиб келган. Лекин ал-Мутаваккил ҳукмронлигида (847-861) улар яна таъқиб остига олинадилар. Бу даврда Маъмун даврида “Қуръон махлуқдир” деган ақидаларини уламоларга мажбурлаб сингдиришда ва Имом Аҳмад ибн Ҳанбални фитна билан Маъмун саройида дарра билан жазолатган Ибн Аби Довуд ҳам қатл қилинган. Буидлар даврида (945-1055) муътазилий Абдулжаббор(в.1025 й) мактаби яна ривожланди. XII-XIII асрларда эса муътазилийлар фикри Хоразмда ҳам кенг ёйилди.

2. Муътазилия таълимотининг беш асоси ва ақидавий қарашлари.

Муътазилийлар ҳокимият масаласида халифа бўлиш лозимлигини уқтирардилар. Илк муътазилийлар халифа қурайшлик бўлиши шарт эмас, деб ҳисоблаганлар, аммо кейинги даврлардаги айрим муътазилийлар эса

халифаликка қурайшликдан бошқа киши лойиқ эмас, деб уқтирганлар. Уларнинг фикрича, имом илоҳий кўрсатма бўйича ҳокимият тепасига келмайди, балки у ижтимоий, этник келиб чиқишидан катъий назар, мусулмон жамоасидан сайланиши лозим.

Улар ал-адлийун, ал-адлия, аҳл ал-адл, аҳл ал-адл ват-тавҳид каби номлар билан аталганлар. Уларнинг бундай номланишига беш асосий тамойилларининг дастлабки иккитаси сабаб бўлган. Муътазилиянинг катта имомларидан бўлган Абу Ҳузайл ал-Аллоф (227/841 ёки 235/849 йил вафот этган) “ал-Усул ал-хамса” (“Беш усул”) номли асар ёзиб муътазилия таълимотининг асосини бешта тамойилга бўлиб чиққан. Унинг ушбу асари муътазилийлар орасида шуқадар машҳур бўлганки, ҳатто улар бир-бирларининг қанчалик катта илмга эга эканликларини ушбу асарни қай жаражада билишлари орқали баҳолаганлар. Муътазилиянинг беш асосий тамойили қуйидагилардир:

1. “ал-Адл” (Аллоҳнинг адолати) - илоҳий адолат инсоннинг ирода эркинлигини тақазо этади. Аллоҳ фақат яхшилик (ал-аслах) ижодкори бўлиб, у умр давомида белгилаб қўйган нарсалар тартиби бузилишига йўл қўймайди, яъни Аллоҳ фақат яхши амалларни яратган.

2. “Тавҳид” (Аллоҳнинг ягоналиги) - Аллоҳнинг ягоналигини эътироф этиш, кўпхудолик ва антропоморфизм, яъни Аллоҳни одам қиёфасида тасаввур қилишни инкор этиш. Бунда улар мужассама ва мушаббахаларга қарши турганлар.

3. “ал-Ваъд вал вайд” (ваъда ва жазолаш) - муътазилийлар билан бирга хаворижлар эътироф этган бу қоидага кўра Аллоҳ мўъминларга жаннат, кофирларга дўзаҳ ваъда қилган бўлса, ўз ваъдасида туриши лозим, яъни Пайғамбарнинг шафоатлари-ю, Аллоҳнинг “Раҳмон”, “Раҳим”лиги ҳам ёрдам бермаслиги керак. Чунки инсон ҳатти-ҳаракати учун тўлиқ жавоб бериши лозим. Бунда улар осий мусулмоннинг шафоъат билан жаннатга киришини инкор этадилар. Уларнинг фикрича агар осий мусулмон ҳам итоъаткор мусулмон ҳам бирга жаннатга кирса Аллоҳнинг адолатлиги бузилади.

4. “Манзила байнал манзилатайн” (Оралик ҳолатда қолиш) - гуноҳи кабира қилган мусулмон мўъминлар қаторидан чиқарилади (муржиъийлар фикрига қарши), лекин кофир бўлиб қолмайди (хаворижлар фикрига кўра), балки оралик ҳаётда бўлади. Бу қоида юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, биринчи муътазилийларнинг Ҳасан ал-Басрий даврасидан ажралишига сабаб бўлган эди. Ҳасан ал-Басрийнинг фикрича ундай мусулмонлар мунофиқ ҳисобланган.

5. “ал-Амр бил маъруф ван наҳий анил мункар” (Яхшиликка чақириш ва ёмонликдан қайтариш) - барча воситалар билан (зўрлик қилиб бўлса ҳам - «қилич билан») бу ҳукм бажарилиши лозим бўлган, яъни улар “ал-Амр бил маъруф” деганда ўзларининг эътиқодий қарашларини, “Наҳий анил мункар” деганда ўз эътиқодий қарашларидан бош тортганларни назарда тутганлар.

Шунингдек, муътазилийлар Аллоҳнинг қазо ва қадарини инкор этиб: “Инсон ўз тақдирини ўзи яратади”, деганлари учун, улар «қадарийлар» деб ҳам номланган. Лекин уларнинг ўзлари буни инкор этганлар.

Аҳли сунна эътиқодига кўра хайр ва шаррнинг (яхшилик ва ёмонликнинг) холиқи аслида Аллоҳдир. Муътазилийлар фикрича, Аллоҳ шаррни (ёмонликни) тақдир қилмаган ва у билан ҳукм ҳам этмаган. Агар ёмонлик билан ҳукм этса-ю, кейин азоб берса, Аллоҳ ўз бандасига зулм қилган бўлади деган ақидани ушлаганлар.

Муътазилийлар ашъария ва мотуридия каби ақлни нақлий далиллардан кейинга эмас, балки биринчи ўринга қўйганлар. Ақл ва фикрни асосий манба қилиб олиб, унга тўғри келмаса, ҳатто, оят ва ҳадисларни инобатга олмай, балки нусусни ақлга бўйсундирмоқчи бўлганлар. Шунинг учун ҳам салаф уламолари, аҳли ҳадис уламолари ва мотуридийа ва ашъарийа вакиллари муътазилия таълимотини танқид қилганлар ва баъзи ўринларда уларни ҳатто куфрда айблаганлар.

Муътазилия таълимотининг аҳли сунна вал жамоа эътиқодига зид бўлган асосий ақидавий қарашлари қуйидагилар бўлган:

- Аллоҳнинг исми ва сифатлари азалий эмас, улар ҳеч қандай маъно ва мазмунга эга эмас. Аллоҳнинг исми билан сифатлари бир нарса;
- Аллоҳни бу дунёда ҳам, охирада ҳам кўриш мумкин эмас;
- Қуръон махлукдир. У азалий эмасдир;
- Банданинг фойдасини кўзлаб иш қилиш Аллоҳнинг зиммасига вожиб. Банданинг қудрати ва тоқати Аллоҳга боғлиқ эмас. Уларнинг фикрича, феълларни банданинг ўзи яратади;
- Қатл этилган банда ажалидан олдин ўлган ҳисобланади;
- Ҳалол лукма банданинг ўз ризқидир, лекин харом лукма эса аслида банданинг ризқи эмас;
- Аллоҳнинг иродаси ҳодисдир, қадим эмас;
- Аллоҳ фақат яхшиликни ирода қилади, ёмонлик эса унинг иродасидан ташқаридадир;
- Амаллар имоннинг таркибига киради ва амаллар имоннинг асосий рукнидир;
- Банданинг имони унинг амалларига қараб камайиб ва кўпайиб туради;
- Гуноҳи кабира қилган мусулмон имон билан куфр ўртасида қолур;
- Гуноҳи кабира қилган мўъминлар дўзахда абадий қолади;
- Шафоат фақат яхши одамларга нисбатан қилинур. Гуноҳларни ҳеч ким шафоат этмас;
- Жаннат билан дўзах хали яратилмаган. Чунки Аллоҳ дўзах аҳллари ва жаннат аҳллари сонини қиёматгача аниқ билмайди;
- Қабрдаги азоб ёки роҳат, қиёмат тарозуси, Пул сирот, Ҳавзи Кавсар кабиларнинг ҳаммаси аслида йўқ нарса;
- Авлиёларнинг каромати бўлмаган нарса. Чунки уларнинг каромати пайғамбарлар мўъжизалари билан бир нарса бўлиб қолади;

- Муқаллид (бошқаларга тақлидан мўъмин одам)нинг имони қабул қилинмайди (масалан, ота-онаси мўъмин бўлгани учун ўзини мўъмин ҳисоблаган).

Ўтилган мазу бўйича саволлар:

1. Восил ибн Ато ким бўлган?
2. Муътазилия таълимоти қачон ривожланган?
3. Муътазилия таълимотининг нечта асоси бўлган ва уни ким тузган?
4. Муътазилия таълимотининг қисқача ақидавий қарашлари ҳақида гапиринг?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Окилов С. Абул Муин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридия таълимоти / Монография. – Т.: Нур полиграф, 2008. – 190 б.
2. Мансуров А. Акоид матнлари. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси, 2006. – 56 б.
3. Абул Муин ан-Насафий. Баҳр ал-калом. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2005. – 213 б.
4. Рудольф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Рус тилидан таржима. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – 398 б.

3-МАВЗУ. КАЛОМ ИЛМИНИНГ МОВАРОУННАХРГА КИРИБ КЕЛИШИ ТАРИХИ

РЕЖА:

1. Калом илмининг Мовароуннаҳрга кириб келиши сабаби.
2. Муржийларнинг Мовароуннаҳрдаги ҳаракатлари.

Таянч иборалар: жия, муржийлар, имон, имон шартлари, калом.

1. Калом илмининг Мовароуннаҳрга кириб келиши сабаби. VIII асрдан бошлаб калом илми кенг кўламда ривожлана бошлади. Натижада Мовароуннаҳрга ҳам калом илми секин аста кириб кела бошлади. Мовароуннаҳрда ислом дини кириб келишининг дастлабки йиллариданок калом илми ҳам пайдо бўлди. Ушбу илмнинг ўлкамизда пайдо бўлиши айрим сиёсий ва иқтисодий жараёнлар ҳам сабабчи бўлган.

Тарихга назар ташласак, VIII аср бошларига келиб Мовароуннаҳр ва кўшни Хуросонда бошқа ҳудудларга нисбатан ислом динига қиравчиларнинг сони ортиб борар эди. 728 йил Хуросон валийси ал-Ашрас ибн Абдуллоҳ ас-Суламий Мовароуннаҳр аҳолисини ҳам исломга кириш учун даъват қилишга қарор қилди. Унга ушбу вазифани бажариш учун Абус Сайдо Солиҳ ибн

Тарифни юборшни маслахат берадилар. Абус Сайдо ал-Ашрасдан янги исломга кирганларни солиқ (*жизя*) тўлашдан озод қилиш керак эканини талаб қилди ва унинг ваъдасини олгач, Самарқандга йўл олди.

Жизядан қутилиш учун кўплаб аҳоли ислом динига кира бошлади. Натижада маҳаллий аҳоли ислом динига янги кирган ғайридинлар давлат солиғидан (*жизя*) озод этилар эдилар. Бу эса давлат хазинасини ўйловчи юқори ҳукмрон доираларининг норозилигини келтириб чиқарар эди. Шу сабабли ушбу ҳудудларда жон бошидан олинадиган солиқ масаласи ҳақида кўп мунозаралар бўлиб турган. Айниқса, илмсизлик натижасида янги мусулмонлар жизя билан бир қаторда унга умуман алоқаси бўлмаган хирож солиғини ҳам тўлашдан бош торта бошладилар. Бу Хуросон ноибларининг норозилгини келтириб чиқарди. Чунки улар бундай даромаддан осонгина воз кечишни истамас эдилар.

Вазиятдан бохабар бўлган ал-Ашрас Самарқанд кўмондони ал-Ҳасан ибн Абил Амаррата ал-Киндийга янги мусулмонларнинг исломга чиндан кирганлигини текшириш вазифасини топширди. Ал-Ашрас ҳар бир мусулмондан хирож солиғини олишга буйруқ бергач, янги мусулмонлар бунга норозилик билдириб, ўз ҳуқуқларини талаб қилиб ҳатто Дамашқдаги халифага шикоят қиладилар.

Ҳар икки томоннинг далиллари чин мусулмон ҳисобланиб, жизя солиғидан озод бўлиш учун қандай шартларни бажариш зарур, деган муаммога бориб тақалар эди. Бу муаммо эндиликда фақат сиёсий мазмунга эга бўлмай, балки «мўъмин» тушунчасига қандай таъриф бериш керак, деган масала билан боғлиқ эди. Чунки Хуросон ноиблари ўз моддий манфаатлари йўлида имоннинг шартларини ниҳоятда мураккаблаштириб, ҳаттоки унинг ичига Қуръоннинг энг узун сураларидан бирини ёд олишлик шартларини ҳам киргизган эдилар. Бундай вазифа араб тилини яхши билмайдиган форс ва туркларда қийинчилик уйғотар эди. Натижада имон масаласи калом илми бўйича ҳал қилиниши талаб қилинар эди.

2. Муржийларнинг Мовароуннаҳрдаги ҳаракатлари. Юқоридаги вазиятлардан келиб чиқиб янги мусулмонларга муржийлар ўзларининг ақидалари билан «ёрдам» берадилар. Улар имоннинг шартларини кўриб чиқиб, имон фақат тил билан иқрор ва қалб билан тасдиқ қилишдан иборат (*ал-иқрор бил лисан ват тасдиқ бил қалб*), деган ақидани илгари сурдилар.

Бунинг натижасида муржийлар ўз-ўзидан янги мусулмонлар муаммоларига дахлдор бўлиб қолдилар ва жизя солиғига қарши курашаётган Мовароуннаҳр аҳолисига иттифоқдош ҳисобланиб қолдилар. Бу эса Хуросон маъмуриятининг муржийларга нисбатан кескин норозилигига сабаб бўлди.

Бу воқеалар жиддий тўқнашувларга олиб келди. 728-729 йили муржийлар бошчилигида биринчи кўзғолон амалга оширилди. Орадан олти йил ўтгач, Ҳорис ибн Сурайж бошчилигида яна йирик исён бошланди. Исёнчилар узоқни кўзловчи сиёсий мақсадни кўзда тутган бўлсаларда, ушбу исён бир томондан диний мазмунга ҳам алоқадор эди. Бунинг бошида эса, шубҳасиз муржийлар турар эдилар.

Мазкур исён 746 йили батамом боситирилди. Жизя масаласи ҳам вақт ўтиши билан ўз долзарблигини йўқота бошлади. Лекин юқоридаги воқеалар натижасида муржийлар келажакда етакчи диний ҳаракат сифатида ўз мавқеларин анча мустаҳкамлаб олишга эришган эди.

Аммо муржийлар ҳаракати Моваруннаҳрда узоқ муддат сақланиб қолмади. Чунки ушбу ҳудудда муржиия вакиллари мустақил фикрлаш ва чуқур билимга эга эмас эдилар. Улар бирон бир масаланинг ечимини топишда қийналиб қолсалар, Ироққа, аниқроғи муржийлар маркази ҳисобланган Куфага йўл олар эдилар. Лекин Куфада муржийларга қарши бўлган Абу Ҳанифа ўз даврининг энг ҳурматли олими ҳисобланар эди. Демак, муржийлар Куфада ўзларининг ақидавий қарашларида Абу Ҳанифадан қаршиликка учраганлар.

Бундай шароит Мавароуннаҳрда нафақат калом масаласида, балки умумий диний муҳит учун ҳам иккинчи босқични белгилаб берди. Мовароуннаҳрдан Куфага сафар қилган олимлар у ерда Абу Ҳанифанинг қарашларидан таъсирланиб ўз юртларига қайтар эдилар. Натижада Мовароуннаҳрда муржийлар таълимоти аста йўқолиб, Абу Ҳанифа таъсирида шаклланган таълимот сингиб кира бошлади.

IX асрга келиб эса, Мовароуннаҳрнинг Бухоро ва Самарқанд шаҳарларидаги диний муҳит бутунлай ҳанафийлашиб бўлган эди. Шу тариқа Мовароуннаҳр ва Хуросонда имон масаласи муҳим аҳамият касб этганлиги сабабли ҳанафий мазҳабига мансуб олимларнинг VIII-X асрдаги фаолиятларида калом масалалари асосий ўринни эгаллади.

Бундай вазият кейинги асрларга келиб Мовароуннаҳрда хоҳ фикҳий масалаларда, хоҳ ақидавий таълимотда Абу Ҳанифанинг йўлини тутган қатор уламоларнинг етишиб чиқишига сабаб бўлди.

Демак, Мовароуннаҳрда калом илмининг шаклланишига VIII асрдаги сиёсий вазиятлар сабаб бўлган. Сиёсий вазиятлардан келиб чиқиб фаолият олиб борган муржийлар ушбу ҳудудда «имон» масаласини ҳал қилиш орқали калом илмининг дастлабки ривожланиш босқичларини белгилаб бердилар. Лекин кейинги даврларда муржийлар фаолияти умуман йўқолиб кетди. Мовароуннаҳрда кейинги асрларда калом илмининг ривожига Абу Ҳанифанинг ақидавий фикрларини маҳкам тутган ҳанафий уламолардан Аҳмад ибн Исҳоқ Абу Бакр ал-Жузжоний (/IX аср), Абу Сулаймон Мусо ибн Сулаймон ал-Жузжоний, Абу Наср ал-Иёдий ҳамда Абу Мансур ал-Мотуридий (в. 944 й.) каби олимлар ўзларининг катта ҳиссаларини қўшдилар.

Ўтилган мазу бўйича саволлар:

1. Калом илмининг Мавароуннаҳрга кириб келишига асосан нима сабаб бўлган?
2. Муржийларнинг мавқеи қандай бўлган?
3. Нима учун муржиия таълимоти Мовароуннаҳрда тўлиқ ривожланмай қолди?

4. Мовароуннахрда дастлабки ақидавий таълимот сифатида қайси таълимотни олиш мумкин?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Окилов С. Абул Муин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридия таълимоти / Монография. – Т.: Нур полиграф, 2008. – 190 б.

2. Мўъминов А. Ҳанафий уламоларнинг Марказий Мовароуннахр шаҳарлари ҳаётида тутган ўрни ва роли (II-VII/VIII-XIII асрлар): Тар. фан. док. дис... автореф. – Т.: ТИУ, 2003. – 46 б.

3. Рудольф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Рус тилидан таржима. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – 398 б.

4-МАВЗУ. АБУ МАСУР АЛ-МОТУРИДИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИ ВА МОТУРИДИЯ ТАЪЛИМОТИ

РЕЖА:

1.Мовароуннахрда фаолият олиб борган дастлабки мутакаллимлар (IX аср): Абу Муқотил ас-Самарқандий (в. 823 й.) ва Абу Бакр ас-Самарқандий (в. 881 й.)

2. Абу Мансур ал-Мотуридий илмий мероси.

3. Мотуридия таълимоти намоёндалари.

Таянч иборалар: Мотуридия, калом, тавҳид, Мовароуннахр, ҳанафия, муътазилия.

1. Мовароуннахрда фаолият олиб борган дастлабки мутакаллимлар (IX аср): Абу Муқотил ас-Самарқандий (в. 823 й.) ва Абу Бакр ас-Самарқандий (в. 881 й.) Абу Муқотил ас-Самарқандий VIII-IX асрларда фаолият олиб борган мовароуннахрлик машҳур мутакаллим ва фақиҳ аллома ҳисобланади. У Самарқанд шаҳрида 208/823 йили таваллуд топган. Ушбу аллома ҳақида қомусий адабиётларда жуда кам маълумотлар учрайди. Унинг илмий мероси, ёзган асарлари ҳақида ҳам маълумотлар кам. Манбаларда ушбу аллома фақиҳ Абу Ҳанифа билан учрашгани ва ундан дарс олгани ҳақидаги хабарлар келади. Абу Муқотил ас-Самарқандий ҳақида немис шарқшуноси У. Рудольф маълумотлар беради. Лекин ушбу тадқиқотчи машҳур “ал-Олим вал мутааллим” асарини айнан ушбу алломага тегишли деган хулосага келади. Бунга қадар барча тарихий манбаларда ушбу манба Абу Ҳанифага тегишли эканлиги таъкидланади.

Рудольф ушбу хулосасини фақат Абу Муқотилнинг Абу Ҳанифа билан бир даврда яшагани ва Абу Муқотил Маккага ҳам боргани ва у ерда фақиҳ

билан учрашгани каби далилларни асос қилиб олади. Шунингдек, китобнинг номидан ҳам хулоса қилиб “Устоз ва шогирд” деган иборани келтириб чиқаради ва Абу Муқотил фақиҳдан эшитган сўзларини ушбу китобида ёзиб қолдирган деган фикрни ҳам илгари суради. Демак, Абу Муқотил ас-Самарқандий Абу Ҳанифанинг энг яқин издоши ва шогирди сифатида гавдаланади. Лекин Рудольф ўз тадқиқотининг кейинги бетларида Абу Муқотил Мовароуннаҳрда Абу Ҳанифанинг таълимотини тарқатганлиги мавҳумдир, деган фикрни ҳам билдириб ўтади. Демак, “Китоб ал-олим вал-мутаъллим” китоби Абу Муқотилга тегишли деган фикр мавҳум фикрдир. Чунки ушбу асарни Абу Ҳанифага хос эканлигини машҳур мотуридия мутакаллим Абул Муин ан-Насафий ўзининг “Табсират ал-адилла” асарида таъкидлаб ўзтган. У Абу Ҳанифанинг фирларини келтирар экан, “Ва қола ҳаказа ал-фақиҳ Абу Ҳанифа фи китабиҳи “ал-Олим вал-мутааллим” деб таъкидлайди.

Хулоса қилиб шунини таъкидлаш мумкинки, Абу Муқотил ас-Самарқандий абу Ҳанифа билан қанча давр мобайнида учрашгани ва қанча муддат ўз юртида фаолият олиб боргани келажакда ушбу алломанинг илмий мероси билан яқиндан тадқиқотлар олиб бориш орқали аниқ бўлади. Лекин ҳозирги кунда ушбу алломанинг фикр ва ақидада Абу Ҳанифанинг издоши бўлганига шубҳа йўқдир.

Абу Бакр ас-Самарқандий ҳақида тарихий манбаларда олдинги мутакаллим Абу Муқотил ас-Самарқандийга нисбатан кўпроқ маълумотлар келтирилган. IX аср охирига келиб Мовароуннаҳрда Мотуридий таълимотига рақиб бўлган карромия таълимоти ҳам кириб кела бошлаган эди. Бу эса албатта, ўша даврда Абу Ҳанифа издошларини тинч қолдира олмас эди. Ҳатто шундай вазият ҳам юзага келган эдики, баъзи мовароуннаҳрлик олимлар фикрий масалаларда Абу Ҳанифа мазҳабида бўлсалар, ақидавий масалаларда эса Ибн Карром таълимотига эргашар эдилар. Бундай олимларга Абу Мутъий Макхул ан-Насафийни мисол келтириш мумкин. Ушбу олим ҳақида кейинги маъхрузаларимизда тўхталиб ўтамиз.

Аввал Ибн Карром ҳақида қисқача маълумот оладигак бўлсак, у асли Хуросоннинг Сеистон (Сижистон) воҳасида таваллуд топган. Ибн Карром ас-Сижистоний кейинчалик Хуросонга кўчиб ўтган ва Нишопур, Марв ва Ҳиротларда ўам бир қанча таниқли устозлардан таълим олган. Айниқса, Балхда у устози Абу Юсуфдан (в. 239/854 й.) кўп таълим олади ва беш йил давомида Маккада яшаб ижод қилади. Ибн Карромнинг ҳаёти нотинч ўтган. Уни Нишопурдан Сейистонга бадарға қилганлар. Сўнгра Хуросондаги ваъзлари туфайли Нишопур ҳокими томонидан ҳибсга олинган ва саккиз қамоқда бўлган. Умрининг охириги йилларини Нишопурда ўтказган ва 255/869 йил вафот этган.

Унинг таъқибга учрашига унинг таълимоти эмас, балки омма олдида зоҳидлик ва эътиқодга собит бўлишликни даъват қилган. Шунинг учун маҳаллий ҳукмдорлар уни дои таъқиб қилиб келганлар. Унинг ақидавий масалалардаги эътиқодига келсак, у Аллоҳнинг сифатларини инсонга хос

аъзолар билан таърифлаган (антропоморфист-мушаббаҳа). Бу эса, мотуридийларнинг энг катта қаршилигига сабаб бўлган ва шунинг учун ҳам Мотуридий издошлари унинг ғоялари Мовароуннаҳрда тарқалишига қарши чиққанлар.

Ибн Карром ғояларига энг катта қаршилик кўрсатган олим Абу Бакр ас-Самарқандий ҳисобланади. Абул Муин ан-Насафий ўзининг “Табсират ал-адилла” асарида Мовароуннаҳрда ҳеч бир олим Абу Бакр ас-Самарқандий каби карромийларга қарши кураш олиб бормаган, деб унинг илмий меросига юксак баҳо берган. Самарқандлик бошқа олимларга нисбатан ушбу олимнинг бизга кўплаб асарлари ҳақидаги маълумотлар етиб келган. Олимнинг бизгача маълум бўзлаган асарларида орасида “Китоб ал-анвор” номли рисола бўлиб, ушбу рисоланинг бизгача номи етиб келган. Лекин асарнинг матни етиб келмаган. Шунинг учун ушбу асарни қандай мавзуга оид эканлиги номаълумдир. Иккинчи асар “Китоб ал-эътисом” бўлиб, ушбу асар ҳадис илмига бағишланган. Олимнинг учинчи рисоласи “Мақолат ал-исломийин” номли асар бўлиб, Абу Бакр ас-Самарқандий ушбу асарида карромийларнинг нотўғри ақидаларига далиллар келтирган. Олимнинг яна “Маолим ад-дин” номли асари ҳам бизгача етиб келган. Ушбу асарнинг Машҳадда қўлёзма нусхаси сақланмоқда. Немис тадқиқотчиси У. Рудольфнинг таъкидлашича, ушбу асар фикҳ илмига бағишлангандир ва IX асрда ёзилган фикҳ илмига оид асарларнинг сақланиб қолган ягона нусхаси ҳисобланади.

Абу Бакр ас-Самарқандий 268/881 йил ўз она юрти Самарқандда вафот этган. Унинг Мовароуннаҳрда фикҳ, ҳадис ва калом илмлари ривожига учун кўшган ҳиссаси ниҳоятда бекиёсдир.

2. Абу Мансур ал-Мотуридий илмий мероси. Абу Мансур ал-Мотуридий номи тилга олинганда, аввало бутун мусулмон оламида ақидавий ҳақ таълимот сифатида эътироф этилган икки мактаб: ашъария ва мотуридия таълимотларидан бири кўз олдимизда намоён бўлади. Абу Мансур ал-Мотуридийнинг келажак авлодга қолдириб кетган илмий-маънавий меросини таҳлил қилар эканмиз, у ўз асарлари орқали ўша даврда ислом эътиқодларига зид бўлган турли ақидавий адашган оқим ва тоифалардан муборак динимизни сақлаб қолганига гувоҳ бўламиз. Айниқса, Халифа Маъмун даврида гуллаб яшнаган ва ислом дини ақидаларига турли нотўғри ақидаларни сингдиришга ҳаракат қилган мўътазилийларга қарши курашда Мотуридий ўзининг бутун умрини сарф қилган.

Мотуридий Самарқанднинг Мотурид қишлоғида 870 йил туғилган ва Самарқандда 944 йил вафот этган. Қабри Самарқанд яқинидаги Чокардзида авлиёлар қабристонида жойлашган. Мотуридий ҳақида маълумотлар келган энциклопедик манбаларда унинг хориж сафарларига борганлиги ҳақида хабарлар учрамайди. Лекин, шунга қарамасдан Мотуридий Мовароуннаҳрда Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собитнинг фикҳий ва ақидавий қарашларини сақлаб қолишда ва кейинчалик, ушбу таълимот таъсирида ўзининг “мотуридия” деб ном олган таълимотига тамал тошини қўйиб кетган олим сифатида шухрат қозонган. У ўзининг бутун умри давомида ақоид (ақида) илми билан машғул бўлган.

Мотуридий ҳақида тўлиқ ва дақиқ маълумотларни биз унинг энг машҳур издоши ва таълимотининг давомчиси насафлик аллома Абул Муин ан-Насафийнинг илмий меросларида учратишимиз мумкин. Насафий ўзининг шайхи Мотуридий ва ундан олдин Мовароуннаҳрда яшаб ижод қилган ҳанафий алломалар ҳақида “Табсират ал-адилла ала тариқати Аби Мансур ал-Мотуридий” номли катта асарида маълумотлар келтирган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Насафийнинг «Табсира» асарида мовароуннаҳрлик мутакаллим олимларнинг ҳаёти ва илмий фаолиятлари ҳақида келтирган қимматли маълумотлар биронта ҳам хоҳ энциклопедик, хоҳ ақоид илмига оид асарларда учрамайди.

Асарда таъкидланишича, Мовароуннаҳр ҳамда Хуросоннинг Марв ва Балх шаҳарларидан етишиб чиққан уламоларнинг барчаси азалдан ҳанафий мазҳабига эътиқод қилганлар ва Абу Ҳанифанинг йўлини маҳкам тутиб, муътазилийларнинг азалий рақиблири ҳисобланганлар.

Насафий ўз асарида мовароуннаҳрлик машҳур мутакаллимлар Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Сабиҳ ал-Жузжоний, аш-Шайх Абу Наср Аҳмад ибн ал-Аббос ибн ал-Ҳусайн ал-Иёдий ҳақида маълумотлар келтиради. Асарда шундай маълумотлар бор: Аш-Шайх Абул Қосим Ҳаким ас-Самарқандийнинг ривоят қилишича, Абу Наср ал-Иёдийнинг олдида турли адашган фирқаларнинг вакиллари ўзларининг нотўғри ақидаларини исботлаш учун келганларида, албатта улар Иёдийнинг кучли далил ва исботларидан мағлуб бўлиб қайтар эдилар.

Шунингдек, «Табсира»да Абу Наср ал-Иёдийнинг икки ўғли: Абу Аҳмад ва Абу Бакр ал-Иёдийлар ҳақида маълумотларни учратамиз. Асарда келтирилишича, бухоролик машҳур олим Абу Ҳафс ал-Кабир ал-Бухорийнинг невараси, Мовароуннаҳр ва Хуросонда садр ал-фуқаҳо унвонига эга бўлган олим Абу Ҳафс ал-Ажалий ал-Бухорий шундай деган: «Абу Ҳанифанинг мазҳаби тўғри йўл эканлигига яна бир исбот шуки, ушбу мазҳабда Абу Аҳмад ал-Иёдий эътиқод қилган. Чунки Абу Аҳмад ал-Иёдий ботил мазҳабга эътиқод қилиши мумкин эмас эди».

Иёдийлар билан бир қаторда Насафий мовароуннаҳрлик бошқа мутакаллим олимлар, яъни Қодий Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аслам ибн Муслма ибн Абдуллоҳ ибн Муғира, «Маолим ад-дин», «Китоб ал-ийтисом» ва «Китоб радд ала ал-карромия» асарларининг муаллифи Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Яман ас-Самарқандий ҳақидаги маълумотлар ҳам эътиборга моликдир. Насафийнинг фикрича, Абу Бакр Муҳаммад ас-Самарқандий биринчилардан бўлиб карромийларга раддия билдирган олим ҳисобланган.

Насафий табақот шаклида юқоридаги мутакаллим олимлар ҳақида маълумотлар келтирар экан, ниҳоят ўзининг шайхи Абу Мансур ал-Мотуридий ҳақида сўз юрита бошлайди. У Мотуридий ҳақида шундай дейди: «Биз юқорида зикр қилган олимларнинг барчаси бўлмаганда ҳам, Абу Мансур ал-Мотуридий уларнинг барчасининг ўрнига кифоя қилар эди. У шундай зотки, илм уммонининг энг қарига шўнғиб, ундан дуру-гавҳарларни олиб чиқди ва диний ҳужжатларни ўзининг фасоҳати, мислсиз заковати

билан зийнатлади. Шунинг учун у вафот этганда, аш-Шайх Абул Қосим ас-Самарқандий унинг қабри устига, «Ушбу қабр илмларни нафасларигача қамраб олган, уни тарқатишда кўп захматлар чеккан, у қолдирган мерос кўп мадҳ қилинган ва ўзининг умр дарахтидан кўплаб мевалар тера олган улуғ зотнинг қабридир», деб ёзишларига буюрган эди».

Насафий «Табсира»да Мотуридийнинг ўндан ортиқ асарлари ҳақида маълумотлар келтиради. «Китоб ат-тавҳид», «Китоб ал-мақолат», «Китоб радд авоил ал-адилла лил-Каъбий», «Китоб баён ваҳм ал-муътазила», «Китоб радд таҳзиби ал-жадал лил-Каъбий», «Радд китоб ал-Каъбий фи ваъйд ал-фуссоқ», «Радд усул ал-хамса ли Аби Умар ал-Баҳилий», «Радд китоб ал-имома ли баъзи ар-равофиз», «Китоб радд ала ал-қаромита» ҳамда усул ал-фиқҳга оид «Маъҳаз аш-шароиъ, «ал-Жадал» каби асарлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, «Табсира»да Мотуридий ҳақида келтирилган яна бир ривоят ҳам диққатга сазовордир. Унда таъкидланишича, маълум бир сабабларга биноан Мотуридий бирон бир мажлисда иштирок этмай қолса, ҳатто унинг устози Абу Наср ал-Иёдий ўз шогирдига нисбатан чексиз ҳурмат ва муҳаббатининг изҳори сифатида ўша мажлисда бирор сўз ҳам айтмас экан. Агар у Мотуридийни узоқдан бўлсада, мажлисга келаётганини кўриб қолса, таъажжуб билан унга тикилиб турар ва «Роббинг сени ўзи хоҳлаган ва ихтиёр қилгандек яратган», деб жилмайиб кўяр эди.

Насафий ўз асарида яна таъкидлашича, Мотуридийнинг «Таъвилот ал-Қуръон ал-Карим» номли асари ўз даврида машҳур ҳисобланган ва кўплаб олимлар ушбу асарни қуйидагича тавсиф билан юксак баҳолаганлар: «Мотуридий имомларнинг улуғи ва миллатнинг устуни эди. Унинг Қуръонга ёзган тафсири барча чигалликларни очиб берувчи, инсон қалбидаги шубҳали қора булутларни хайдовчи ҳамда ниҳоятда балиғ васф ила яратилган асардир. Аллоҳ шундай китобни ёзган зотга ўз саломини йўлласин».

Мовароуннаҳрлик уламолар ҳақидаги маълумотларни Насафий Абул Қосим Ҳаким ас-Самарқандий (в. 953 й.) ҳақидаги маълумотлар билан тугатар экан, шундай дейди: «Агарда мен ҳанафий мазҳабига эътиқод қилган бухоролик ҳамда Мовароуннаҳрнинг туркларнинг энг қуйи чегарасигача бўлган барча диёрларидаги уламолар ҳамда Марв ва Балх уламолари ҳақида гапираверсам, ушбу китобим тугамайди. Шунинг учун сизнинг эътиборингизга юқорида зикр этилган уламолар ҳақидаги мухтасар хабарлар етказишни афзал деб билдим».

Абул Муин ан-Насафийнинг Мотуридийга оид фикрлари ҳақида юқорида «Табсира» асари орқали муайян тасаввур ҳосил қилган эдик. Насафий Мотуридийни нафақат ўзининг, балки бутун мовароуннаҳрлик мутакаллим олимларнинг шайхи деб ҳисоблаган ва шундай аталишига катта ҳисса қўшган. Буни биз «Табсира»нинг бир канча ўринларида «Бизнинг шайхимиз Абу Мансур ал-Мотуридий. . .», деган иборанинг ишлатилганидан ҳам кўришимиз мумкин. Насафий «Табсира»да Мотуридийга нисбатан юксак мақтовларни шу даражада билдирганки, ҳатто унга «аъраф ан-нос би мазҳаби

Аби Ҳанифа» (*Абу Ҳанифа мазҳабининг энг катта билимдони*) деб таъриф беради.

3. Мотуридия таълимоти намоёндалари. Мотуридия таълимоти вакиллари га Мовароуннахрда фаолият олиб борган бир қанча олимларни мисол келтириш мумкин. Уларнинг орасида авало Абул Муин ан-Насафийнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Абул Муин ан-Насафий. Абул Муин Маймун ибн Муҳаммад ал-Макхулий ан-Насафий 1024 йил Насаф воҳасида зиёлий оилада таваллуд топган. Дастлабки илмни ўзининг отасидан таълим олган. Насафийнинг бобоси Абу Мутиъ Макхул ибн Фазл ан-Насафий (в. 930 й.) ўз даврида машҳур мутакаллим ва мутасаввиф олим ҳисобланган. Унинг фикҳ илмига оид ҳам асарлари мавжуд бўлган. Абул Муин ан-Насафий 1114 йил вафот этган. Алломанинг қабри Қарши туманидаги Қовчин қишлоғида жойлашган. Аллома умри давомида ўндан ортиқ асарлар ёзиб қолдирган. Унинг асарлари орасида “Табсират ал-адилла”, “ат-Тамҳид ли қавоид ат-тавҳид” ва “Баҳр ал-калом” каби асарлари бизгача етиб келган.

Абул Муин ан-Насафий асарларининг орасида «Табсират ал-адилла» асари энг буюк ва асосий асари ҳисобланган. Асарнинг тўлиқ номи «Табсират ал-адилла фи усул ад-дин ала тариқат ал-Имом Аби Мансур ал-Мотуридий» (*Абу Мансур ал-Мотуридий тариқатига биноан дин усулларини аниқ далиллар билан шарҳлаш*) деб номланади. Насафий ушбу асарини ёзишига ўша даврда мотуридия таълимоти бўйича «Китоб ат-тавҳид»дан кейин биронта ҳам йирик асар ёзилмаганлиги сабаб бўлган. Насафий «Табсират ал-адилла» асарини ёзиб тугатгач, ушбу асарига хотима ва фихрист сифатида икки асари «Тамҳид» ва «Баҳр ал-калом» асарларини ёзган.

Абу Ҳафс ан-Насафий. Унинг тўлиқ номи Нажмуддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ан-Насафий (1068-1142 й.) бўлиб, баъзи манбаларда унга «Мотуридий» нисбаси ҳам берилган. Бу унинг маълум бир муддат Самарқандда яшаб ижод қилганлигидан далолат беради. Шунингдек, у Имом ал-Мотуридий мактаби вакили бўлган. Шунинг учун ҳам у “Мотуридий” нисбаси билан ҳам аталган бўлиши мумкин. Самъоний алломани Исмоил, Нажмуддин деган исмлар билан эмас, балки, уни Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ал-Мотуридий, деб атаган.

Нажмуддин ан-Насафий ўрта аср шарқ олимларига хос қомусий билим соҳиби бўлиб, замонасининг машҳур тарихчиси, фақиҳи, тилшуноси, географи, файласуфи ҳамда шоири ҳам бўлган. Унинг ёзган асарларининг мундарижаси ниҳоятда кенг ва ранг-баранг бўлиб, уларнинг бир қисмигина бизгача етиб келган.

Нажмуддин ан-Насафий тилшунослик, тарих, фикҳ каби илмларга бағишлаб 100 дан ортиқ асарлар яратган. Машҳур энциклопедик олим Самъоний ҳам Нажмуддин ан-Насафийдан таҳсил олган. Ҳозирги маълумотларга кўра, унинг бизгача 10 та китоби етиб келган. Унинг мотуридия калом мактабига оид “Ақоид ан-Насафий” асари катта шухрат қозонган. Ушбу асар мотуридия таълимотида Абул Муин ан-Насафийнинг

“Табсират ал-адилла” асаридан кейинги ўринда туради. Нажмуддин ан-Насафийнинг фалсафа ва ақоидга доир кўплаб асарлари мавжуд бўлган. Айниқса, унинг «Манзумот ан-Насафий фи-л-хилофият» (*«Ихтилофлар ҳақида Насафий манзумаси»*) номли асари машҳур бўлган.

Абул Йуср ал-Паздавий. Садр ал-ислом Абул Йуср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдилкарим ал-Паздавий 1030 йилда туғилган. Дастлабки сабоқни отаси Абу-л-Ҳасан Муҳаммад ал-Паздавийдан олган. Бобоси Абдулкарим ибн Мусо Мотуридийнинг шогирдларидан бири бўлиб, у Самарқанд калом мактаби билан оиласи орқали ҳам танишиш имконига эга бўлган. Паздавий ўз даврида бир қанча ҳанафий олимлардан таҳсил олган. Паздавийнинг устозлари орасида Абу Яъқуб Юсуф ибн Муҳаммад ан-Нишопурий ва Абул Хаттоб каби олимларнинг ўрни катта бўлган. Паздавийнинг энг машҳур шогирдларидан «Ақоид ан-Насафий» асарининг муаллифи Абу Ҳафс Нажмуддин Умар ан-Насафий (в. 1142 й.) ва Абул Муин ан-Насафий ҳисобланган. Яна унинг шогирдлари орасида Рукну-л-аимма Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Санъий (ёки ас-Сабоъий) ал-Маданий, Муҳаммад ибн Тохир ас-Самарқандий ва Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Ҳулабий каби олимларни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Манбаларда қайд этилишича, у 1099 йилда Бухорода вафот этган.

Паздавийнинг асарлари орасида унинг «Усул ад-дин» асари муҳим аҳамиятга эга. Мазкур асар 96 масаладан ташкил топган ва мазмун-моҳиятидан аҳли сунна ва-л-жамоа йўналиши ва мотуридийа мактаби фикрларининг бутун моҳиятини очиқ бериш ва Мовароуннаҳрда тарқалган «Аҳлу-з-зайғ вал бидаъ» асарининг таъсирини камайтириш учун ёзилган.

Шунингдек, Паздавийнинг Имом Муҳаммаднинг «ал-Жомий ас-сағир» асарига шарҳ сифатида «Таълиқот» ҳамда фикҳга оид «ал-Воқият» ва «ал-Мабсут» асарлари мавжуд бўлган. Паздавий Мовароуннаҳрда, айниқса Бухорода ҳанафий мазҳаби ҳамда мотуридия калом мактабининг ривожланишида улкан хизмат кўрсатган олим ҳисобланади.

Алоуддин ас-Самарқандий. Ушбу аллома ҳам Абул Муин ан-Насафийнинг энг яқин шогирдларидан ҳисобланган ва фикҳ соҳасида улкан муваффақиятларга эришган. Унинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Аби Аҳмад Абу Бакр Алоуддин ас-Самарқандий бўлиб, у 1143 йил вафот этган. Юқорида насафлик уч буюк фақиҳлар жамоаси Самарқанддан Бухорога кўчиб ўтганлиги ва Алоуддин ас-Самарқандий ҳам улар билан бирга Бухорода илмий фаолият олиб борганлиги ҳақида тўхталиб ўтган эдик. Алоуддин ас-Самарқандий Абул Муин ан-Насафийдан фикҳ ва калом илмларини ўрганган ва шу асосда ўзининг фикҳга оид «Тухфат ал-фуқаҳо» номли машҳур асарини яратган. Алоуддин ас-Самарқандий нафақат фикҳ, балки калом ҳамда тафсир илмлари борасида ҳам самарали ижод қилган ва мотуридийа калом мактабини қўллаб-қувватлаган. Натижада Абу Мансур ал-Мотуридийнинг «Таъвиилот аҳли сунна» номли тафсирига «Шарҳ таъвилоти аҳли сунна» номи билан шарҳ ёзган. Алломанинг ушбу шарҳни ёзишида Абул Муин ан-Насафийнинг хизмати ниҳоятда катта бўлган. Чунки Алоуддин ас-Самарқандининг ўзи Насафий билан Мотуридийнинг

«Таъвилот» асарини бирга мутолаа қилганини ва Насафий жоиз, деб топган жойларга шарҳ ёзиб илова қилиб борганлиги ва кейинчалик ушбу шарҳларни алоҳида китоб ҳолига келтиргани ҳақида таъкидлаган. Шунингдек, Алоуддин ас-Самарқандий Абул Йуср ал-Паздавийдан ҳам илм ўрганган. Алломанинг бир қанча шогирдлари ҳам бўлган. Унинг энг яқин шогирди ўз қизи Фотима бинт Муҳаммад ҳисобланган. Фотима бинт Муҳаммад машҳур фақиҳа олима даражасига кўтарилган. Алоуддин ас-Самарқандий қизини ўзининг яқин шогирди Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад ал-Косонийга турмушга берган. Ал-Косоний устозининг «Тухфат ал-фуқаҳо» асарига шарҳ тарзида «Бадоиъ ас-саноиъ фи тартиб аш-шароиъ» (*«Шариат тартибида ажойиб санъатлар»*) номли китобини ёзган. Ал-Косоний Абул Муин ан-Насафийнинг ҳам шогирдларидан ҳисобланган.

Иброҳим ас-Саффор ал-Бухорий. Иброҳим ибн Исҳоқ ас-Саффор ал-Бухорий (в. 1139 й.) Абу-л-Муин ан-Насафийдан Бухорода калом илмидан таълим олган. Дастлаб у ўзининг «Рисола фиҳа масоил суила анҳа аш-Шайх ас-Саффор фа ажаба анҳа» номли рисоласини ёзган. Ушбу рисолада Абу Мансур ал-Мотуридийнинг фикрларини баён қилган. Олим бухороликлар учун калом илми бўйича «Китоб талҳис ал-адилла ли қавоид ат-тавҳид» номли ўқув қўлланмасини яратади. Ушбу қўлланманинг қўлёзмаси Туркиянинг Atif Efendi номли кутубхонасида № 1220 рақами остида сақланади. Иброҳим ас-Саффорнинг Бухорода мотуридия калом мактабининг тарқалишида хизматлари ниҳоятда катта бўлган.

Нуруддин ас-Собуний. Нуруддин Аҳмад ибн Маҳмуд ибн Аби Бакр ас-Собуний (в. 1184 й.) ҳам ас-Саффор билан Бухорода мотуридия калом мактабининг тарқалишида жонбозлик кўрсатган олимдир. У Абул Муин ан-Насафийни ўзининг устози деб ҳисоблаган ва ундан калом илмини ўрганган. Нуруддин ас-Собуний Бухорода ашъарийа мактаби вакили Фахруддин ар-Розий билан ҳам учрашган. Олим дастлаб «ал-Бидоя фи усул ад-дин» номли ўқув қўлланмасини яратган. Ушбу қўлланма Истанбулда Б.Топалўғли томонидан 1978 йил биринчи маротаба нашр эттирилган. Шундан сўнг бу асар муҳимлиги учун яна етти маротаба нашр этилди. Собунийнинг яна «ал-Кифоя фил ҳидоя» номли асари мавжуд бўлиб, унинг қўлёзма нусхаси Туркиянинг Laleli номли кутубхонасида № 2271 рақам билан сақланади.

Шунингдек, унинг «ал-Мунтақа мин исмат ал-анбиё» номли асари бўлган ушбу асарнинг ҳам қўлёзма нусхаси Laleli кутубхонасида № 2426 рақами билан сақланади.

Алоуддин ал-Асмандий. Абул Фатҳ Алоуддин Муҳаммад ибн Абдилҳамид ибн Умар ибн Ҳасан ибн Ҳусайн ас-Самарқандий ал-Асмандий 1095 йили Самарқанд атрофидаги Асманд шаҳрида туғилган. Бу шаҳар Усманд ёки Саманд деб ҳам аталган. У «Тухфат ал-фуқаҳо» муаллифи Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Самарқандий билан чалкаштирилгани боис, манбаларда унга Асмандий нисбаси ҳам қўшиб аталади. Асмандий Ашраф ибн Муҳаммад ал-Алавийдан фикҳ илмини ўрганган, «ас-Садр аш-шаҳид» номи билан машҳур Бурҳон ал-аимма Умар ибн Абдилазиз ибн Моза

ал-Бухорийдан (в. 1142 й.) ҳадис ривоят қилган, Али ибн Умар ал-Ҳарротдан ҳадис илмини ўрганган.

Асмандий Абул Муин билан учрашгани ҳақида маълумотлар келмасада, калом илмига оид асарларини ёзишда асосан Насафийнинг илмий меросидан таъсирланган. У Абул Муин ан-Насафий асарларини замондоши Алоуддин ас-Самарқандийдан ўрганган. Асмандийнинг калом илмига оид биргина асари ҳақида маълумотлар бор. Баъзи манбаларда унинг номи «Лубаб ал-калом» деб аталган бўлса, баъзи манбаларда унинг номи «ал-Ҳидоя фи усул ал-эйтиқод» ёки «ал-Ҳидоя вал калом» деб келтирилган. Ушбу асар усул ад-дин мавзуларини янги ўрганаётганларга йўлланма бериш учун ёзилган. Асмандийнинг бошқа мавзуларга оид асарларига тўхталсак, унинг фуруъу-л-фикҳга оид «Тариқат хилоф ал-фикҳ байнал аимматил аслаф», «Базл ан-назар фил усул» ёки «Фи усул ал-фикҳ», «ат-Таълиқа фил фикҳ» ва «ал-Амолий фит тафсир» номли асарлари ҳам мавжуддир. Лекин баъзи манбаларда ва кутубхона каталогларида «Тухфат ал-фуқаҳо», «Мезон ал-усул», «Шарҳ ал-жомиъ ал-калом» ва «Шарҳ таъвилот ал-Қуръон» асарлари Алоуддин ас-Самарқандийга эмас, балки янглиш равишда Алоуддин ал-Асмандийга тегишли деб қайд этилган. Ҳанафий фақиҳлари орасида ўзига хос обрўга эга бўлган ушбу аллома XII асрда Мовароуннаҳрда калом илми ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Асмандий 1157 йил 64 ёшида Бухорода вафот этган.

Ўтилган мазу бўйича саволлар:

1. Абу Мансур ал-Мотуридий қачон ва қаерда туғилган?
2. Мотуридийнинг қандай асарларини биласиз?
3. Мотуридия таълимотининг энг ёрқин вакили сифатида кимни айтиш мумкин?
4. Мотуридия таълимоти вакилларида кимларни биласиз?
5. Мотуридия таълимотига оид қандай асарларни биласиз?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Окилов С. Абул Муин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридия таълимоти / Монография. – Т.: Нур полиграф, 2008. – 190 б.
2. Мўминов А. Ҳанафий уламоларнинг Марказий Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳаётида тутган ўрни ва роли (II-VII/VIII-XIII асрлар): Тар. фан. док. дис... автореф. – Т.: ТИУ, 2003. – 46 б.
3. Рудольф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Рус тилидан таржима. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – 398 б.
4. Насафий Абул Муин Маймун ибн Муҳаммад. Тасбират ал-адилла фи усул ад-дин: II жилдли. К. Салома нашри. – Дамашқ: 1990-1993. -1011 б.

5-МАВЗУ. АБУЛ ҲАСАН АЛ-АШЪАРИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИ ВА АШЪАРИЯ ТАЪЛИМОТИ

РЕЖА:

1. Ашъарийнинг дастлабки ҳаёт йўли.
2. Ашъарийнинг устоз ва шогирдлари ҳамда илмий мероси.

Таянч иборалар: ашъария, муътазилия, манзила байнал манзилатайн, мотуридия.

1. Ашъарийнинг дастлабки ҳаёт йўли. Абул Ҳасан Али ибн Исмоил ибн Исҳоқ ибн Солим ибн Абдиллоҳ ибн Мусо ибн Билол ибн Аби Бурда ибн Аби Мусо ал-Ашъарий Басрада 873 йил таваллуд топган ва 936 йил Бағдодда вафот этган. Ашъарий дастлабки илмини ўз отасидан олади ва Абу Исҳоқ ал-Марвазий ва Ибн Сурайждан фикҳ илмини, Закариё ибн Яҳйо ас-Сожийдан ҳадис илмларини ўрганади.

Ашъарий умрининг ярмини асосан муътазилияга қарши курашишга бағишлаган бўлсада, дастлаб унинг ўзи муътазилия таълимоти вакили бўлган. Муътазилия таълимотида унинг устози Абу Али ал-Жуббойи бўлган. Ашъарий қирқ ёшигача муътазилия таълимотига эътиқод қилган. Лекин ёши қирқларга етганда унинг қалбида ушбу таълимотга нисбатан шубҳалар пайдо бўла бошлайди, у устозининг халқасида ўзини ноқулай сезар ва устозининг ақидавий қарашлари, фикрларидан тўлиқ қониқиш ҳосил қилмас эди. Ниҳоят, Ашъарий устозининг дарсларидан бирида унга уч ака-укаларнинг қиёматдаги аҳволи ҳақида савол беради. Унинг саволи қуйидагича эди: Бу дунёда мўъмин уч ака ука яшаб ўтган, уларнинг каттаси тоъат-ибодатда ҳаёт кечирган. Иккинчи ака эса, гуноҳ, маъсият ишлар билан яшаган. Учинчиси эса сағирлик пайтида (балоғатга етмасдан) вафот этган. Уларнинг қиёматдаги ҳолати қандай бўлади?

Жуббойи жавоб берибди: Катта ака аҳли тақво бўлгани учун тўғри жаннатга тушади. Иккинчиси дўзахга тушади. Чунки у осий банда бўлган эди. Учинчи ука эса жаннатга ҳам, дўзахга ҳам қирмайди. Чунки у гуноҳ ҳам, ибодат ҳам қилмаган.

Шунда Ашъарий эътироз билдира бошлайди: Аросатда қолган кичкина ука, – “Эй Роббим, сен менга катта акам сингари узоқ умр берганингда, мен ҳам умримни тоъат-ибодат билан ўтказардим. Сен мени сағирлик пайтимда жонимни олдинг. Энди мен жаннатга қиршидан маҳрум бўлиб қолдим, менинг айбим нима?!”, – деб эътироз билдирсачи?.

Жуббойи жавоб берибди: Аллоҳ шунда айтади: “Мен сенга узоқ умр берганимда, сен иккинчи акангдек гуноҳкор банда бўлардинг. Чунки мен сенинг тақдирингни аввалдан биламан. Шунинг учун мен сенга раҳм қилиб, сағирлик пайтингда жонингни олдим”.

Ашъарий хайрон бўлиб яна сўрайди: Агар иккинчи ака, – “Эй Роббим, сен менга узоқ умр бердинг, мен гуноҳкор банда бўлдим. Лекин сен мени

кичик укам каби сағирлик пайтимда жонимни олсанг бўлмасмиди?! Шунда мен дўзахга тушишдан сақланиб қолар эдим”. Ашъарийнинг ушбу эътироз сифатидаги саволига Жуббойи жавоб бера олмайди. Шундан сўнг Ашъарий муътазилия таълимотидан воз кечади.

Ашъарийнинг ўзи “ал-Ибона ан усул ад-дияна” китобида муътазилиядан қандай воз кечганини қуйидагича ҳикоя қилиб берган: Мен борган сари ушбу таълимотдан безиб борар эдим. Ундаги фикрлар мени асло қониқтирмас эди. Кечалари ҳам халоватим йўқолган эди. Бир куни мен тунда уйғониб таҳажжуд намози ўқидим ва Аллоҳдан кўнглимдаги ғашликни даф қилишни ва мени ўз ҳидоятига бошлашини сўраб дуо қилдим. Шу аснода мен уйқуга кетибман. Шунда тушимда Расулуллоҳ (с.а.в.)ни кўрдим ва ул зотга қалбимдаги кечаётган ғалаён ҳақида шикоят қилдим. Шунда Расулуллоҳ (сав), – “сенинг нажот топишинг фақат менинг суннатимни маҳкам тутишинг билан амалга ошади”, – деб жавоб бердилар. Шундан сўнг мен бир неча кун уйда михланиб қолдим, жамоат намозларига ҳам чиқишни хоҳламас эдим. Лекин еттинчи кун масжидга чиқиб, мўминларга шундай хитоб қилдим: Эй биродарлар, мен елкамдаги ушбу тўнимни танамдан қандай ечиб улоқтираётган бўлсам, қалбимдан ҳам бидъат эътиқодни шундай улоқтириб ташлаяпман. Мен бугундан бошлаб муътазилия таълимотидан воз кечдим ва умримнинг қолган қисмини ушбу таълимотга қарши курашга сарфлайман.

Шундан сўнг Ашъарий Басрадан Бағдодга кўчиб ўтади ва умрининг охиригача Бағдодда фаолият олиб боради. У шундай даврда ҳаёт кечирганки, ўша даврларда фикрий курашлар авжга чиққан ва “аз-Занж” кўзғолони бўлган ва қарматийларнинг қўли баланд келиб Баҳрайдан то Шомгача (Сурия) тарқалган эди.

2. Ашъарийнинг устоз ва шогирдлари ҳамда илмий мероси.

Ашъарий ўз даврининг машҳур шайхлари, мутасаввиф ва фақиҳлари саналган Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий, Иброҳим ибн Аҳмад ал-Марвазий, Маҳмуд ибн Довуд ал-Исбаҳоний, Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳанбал, Абу Мансур ал-Мотуридий ҳамда аслида зиндик бўлган Ибн ар-Ровандий билан бир даврда яшаган. Ашъарийнинг юқорида келтирилган замондошларидан маълумки, у бир томондан шунча диний уламолар орасида ўз мавқеини тиклаб олиши зарур эди.

“Табақот аш-шофия ал-кубро” асари муаллифи ас-Субкий Ашъарий шогирдлари ҳақида маълумот бериб, уларнинг яшаган даврларини еттига бўлиб чиққан: Биринчи давр: Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ат-Тоий, Абул Ҳасан ал-Боҳилий, Бандор ибн ал-Ҳусайн, Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ат-Табарий. Иккинчи давр: Абу Бакр ал-Боқиллоний, Абу Бакр ибн Фурак. Учинчи давр: Абдулжаббор ибн Али ал-Исфаройиний. Тўртинчи давр: ал-Хатиб ал-Бағдодий, Абул Қосим ал-Қушайрий. Бешинчи давр: Абу Ҳомид ал-Ғаззолий, Ибн Асокир, Абул Фатҳ аш-Шаҳристоний. Олтинчи давр: Фахруддин ар-Розий, Сайфуддин ал-Омидий, Иззуддин ибн Абдиссалом. Еттинчи давр: Тақийуддин ибн Дақиқ ал-Ийд.

Ашъарийнинг илмий мероси, яратган асарлари ҳақида турли ихтилофлар мавжуд. Баъзи тарихчилар унинг юзга яқин асарлари мавжуд

бўлган деса, баъзилари элликдан ортиқ асарлар ёзгани ҳақида маълумотлар бериб ўтганлар. Ашъарий муътазилия эътиқодида бўлган даврида ҳам ушбу таълимотга оид асарлар ёзган бўлиши мумкин. Лекин бизгача унинг муътазилия таълимоти ҳақида бирон-бир асари етиб келмаган. Ас-Субкий “Табақот аш-шофия ал-кубро” номли асарида Ашъарийнинг бирқанча асари ҳақида маълумот бериб ўтган: “ал-Умда фир руя”, “ал-Фусул фир радд алал мулҳидин”, “ал-Мужаз”, “Имомат Аби Бакр ас-Сиддик”, “Холқ ал-аъмол”, “ал-Иститоъа”, “ас-Сифаат”, “ар-Руя”, “ал-Асмо вал аҳком”, “ар-Радд алал мужассама”, “ал-Изоҳ”, “ал-Лумаъ ас-сағир”, “ал-Лумаъ ал-кабир”, “аш-Шарҳ ват тафсил”, “ал-Муқаддама”, “ан-Накс алал Жуббойи”, “ан-Накс алал Балҳий”, “Мақолат ал-мулҳидин”. Хожи Халифа “Кашф аз-зунун” асарида яна Ашъарийга “Тафсир Абил Ҳасан”, “Изоҳ ал-бурҳон фир радд ала аҳл аз-зайғ ват туғён” номли асарларни нисбат бериб ўтган. Ашъарийнинг юқоридаги асарлари бизгача етиб келмаган. Лекин унинг қаламига мансуб бешта, “Мақолат ал-исломийин ва ихтилоф ал-мусоллин”, “Рисола истиҳсон ал-хавз фи илм ал-калом”, “ал-Лумаъ фир радд ала аҳл аз-зайғ вал бидаъ”, “Рисола ила аҳл ас-сағр би баб ал-абвоб”, “ал-Ибона ан усул ад-дияна” номли асарларининг илмий таҳлилий нашрлари амалга оширилган.

Ўтилган мазу бўйича саволлар:

1. Абул Ҳасан ал-Ашъарий қачон ва қаерда туғилган?
2. Ашъарийнинг қандай асарларини биласиз?
3. Ашъарий дастлаб қайси ақидавий таълимотга эътиқод қилган?
4. Ашъария таълимоти вакиларидан кимларни биласиз?
5. Ашъария таълимотига оид қандай асарларни биласиз?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Окилов С. Абул Муин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридия таълимоти / Монография. – Т.: Нур полиграф, 2008. – 190 б.
2. Ашъарий Абул Ҳасан Али ибн Исмоил. Ал-Ибона ан усул ад-дияна. Аббос Саббоғ нашрга тайёрлаган. – Байрут: “Дор ан-нафоис” нашриёти. 1994 йил. – 183 б.
3. Рудольф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Рус тилидан таржима. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – 398 б.

6-МАВЗУ. КАЛОМ ИЛМИДА ИМОН МАСАЛАСИ

РЕЖА:

1. Имоннинг шартлари.
2. Имоннинг камаймаслиги ва кўпаймаслиги.
3. Имон ва ислом (мўъмин ва муслим) бир маънони англатиши.

Таянч иборалар: мўъмин, имон, ислом, муслим, тавба, қалб, иқрор, тасдиқ.

1. Имоннинг шартлари. Имоннинг фақатгина ягона сўз эканлигини ва унинг қалбда бўлмаслиги ҳақидаги сўз Нассни инкор қилишга яқин бўлиб, бундай фикр ботилга олиб боради. Аллоҳ таоло мунофиқлар ҳақида шундай дейди: “... оғизлари билан имон келтирдик” дейдиган (лекин) диллари имон келтирмаганлар...” (Моида-41).

Агар имон қалб билан бўлмаса, ундан ҳеч қандай фойда йўқ. Буни бошқа бир жиҳатдан олиб қаралса, қўл ёки оёқнинг имон келтирмаслигини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Аллоҳ таоло айтади: “Аъробийлар имон келтирдик, дедилар. Айтинг: “Сизлар имон келтирмадингиз”. Агар имон Аллоҳ таоло учун ўз Расулига “Айтинг: Сизлар имон келтирмадингиз”, сўзи орқали унинг фақат сўздан иборат эканлиги учун эмас, алки уларнинг ёлғончиликлари учун буйруқ тарзида келган. Қачонки улар “имон келтирдик”, деганларида бу сўздан уларнинг имонлари аён бўлади. Уларда имон шарти топилади ва улар мўъмин бўладилар. Бу ҳудди бир кишининг, мен гапирувчиман, деса, унда калом шарти топилгани ва унинг гапирувчи бўлгани кабидир. Бунда кимки унга: “сен гапирмадинг, сен имон келтирмадинг”,-деса, ёлғончи бўлиб қолади. Кимки Аллоҳ таоло Ўз Набийига амр қилишда ёлғончидир, деб ҳукм чиқарса, у кофирдир. Аллоҳ таолонинг ушбу қавли буни исботлайди: “Қалбларингизга имон кирганида...”. Агар қалбда имон бўлдмаса, бундан ҳеч қандай маъно йўқ.

Улар Набий (а.с.)га шундай дедилар: “Қалбга ҳам имон кирадими?” Шунингдек, ушбу фикрдан Набий (а.с.) ва барча мўъминлар ҳамда мунофиқлар орасида тенглик бўлиб қолади. Бу зоҳиран олиб қаралганда нотўғридир. Аллоҳ таоло айтади: “Улар Сизга Исломга кирганларини миннат қилурлар. Айтинг: “Сизлар менга Исломингизни миннат қилмангиз, балки агар (Исломингизда) содиқ бўлсангиз, билингизки, Аллоҳ сизларни имонга ҳидоят қилганини миннат қилур” (Хужурот-17).

Агар имон тилнинг иштирокисиз бўлмаганида, улар имонларини тилларида айтиб ростгўй бўлар эдилар. Бу эса Аллоҳ таолонинг “Агар улар ростгўй бўлсалар”, қавли билан бундай бўлмайди. Аллоҳ таоло шундай дейди: “Эй мўъминлар, қачонки, сизларга (Макка кофирлари томонидан) мўъминалар ҳижрат қилиб келсалар, сизлар, уларни имтиҳон қилиб кўринглар! Аллоҳ уларнинг дилларидаги имонларини яхши билувчидир” (Мумтаҳана-10).

Агар имон сўздан бошқа нарса бўлмаганида, уни ҳар ким эшитган бўлар эди. Бу ушбу оятга мувофиқдир: “Аллоҳ талло уларнинг имонларини билувчирокдир”.

Юқоридаги оятлардан имоннинг қалбда бўлиши билан ҳақиқий эканлигига далиллар мавжуд. Зеро, имоннинг ҳақиқатини фақатгина Аллоҳнинг Ўзи билади. Шунингдек, Аллоҳ таоло мунофиқларга дўзахни

ваъда қилиб шундай дейди: “Дўзахнинг энг тубида бўлурлар”(Нисо-145). Карромийларнинг таъкидлашларича, улар кофир бўлмай, балки ҳақиқий мўминдирлар. Бундай фикр эса, ҳақиқатдан йироқдир. Аллоҳ таоло уларнинг куфрларига гувоҳ бўлиб, шундай дейди: “Улар учун (Сиз) хоҳ кечирим сўранг, хоҳ кечирим сўраманг – агар етмиш бор улар учун кечирим сўрасангиз ҳам – Аллоҳ уларни сира кечирмагай. Бу уларнинг Аллоҳ ва Расулига куфр келтирганларидандир” (Тавба-80). Кимки, Аллоҳ таоло уларнинг номини кофир деб адашади, улар аслида мўминдирлар, деб айтса, уларга айтамикки: “Уларнинг куфрларида шак-шубҳа йўқдир”. Зеро, Аллоҳ таоло айтади: “Нафақа (садақа)ларининг қабул қилинишидан тўсган нарса бу – уларнинг Аллоҳга, Расулига куфр келтирганлари...” (Тавба-54).

Ушбу оятлар ҳаддан ошувчиларга энг ёрқин далил бўлиб ҳизмат қилади. Имон тасдиқлаш экан, кимки бир мўминни ёлғончи деб атаса, унинг сўзи хато бўлиб, ақли ва динининг заифлигидан далолат беради.

2. Имоннинг камаймаслиги ва кўпаймаслиги. Имон тасдиқлаш бўлиши билан бирга у кўпайиш хусусиятига эга эмас. У йўқ бўлиши мумкин, лекин асло камаймайди ўам кўпаймайди ҳам. Шунингдек, имон ўзи каби яна бир имоннинг кўшилиши билан ўам кўпайиб қолмайди ва гуноҳларнинг кўпайиши натижасида унинг ҳажми камаймайди.

Имоннинг зиёдалашуви ҳақидаги таъвил ҳақида Абу Ҳанифадан қуйидагича ривоят мавжуд: Улар бир сўз билан имон келтирадилар. Сўнгра бир фарзнинг кетидан яна бир фарз келганида, улар ўар бир янги келган фарзга имон келтирадилар ва уларнинг имонлари зиёдалашади. Шу каби имонда собитлик ва ундаги давомийлик ҳар соатда унинг зиёдалашувига сабабдир. бу ҳудди бир дирҳам мавжуд бўлиб, сўнгра ҳар соатда унинг зиёдалашуви кабидир. Ушбу зиёдалиқ ўзидан бўлмай, шу билан бирга у бўлинишдан ҳолидир. Унинг фақат қалбдаги нуригина яхши амаллар сабабли зиёдалашиши ва камайиши мумкин. Шунингдек, гуноҳ ишлар қилиниши имон нурунинг камайишига олиб келади. Зеро, имоннинг нури ва зиёси мавжуд бўлиб, бу Аллоҳ таолонинг қуйидаги қавлига мувофиқдир: “Улар Аллоҳнинг нуруни (Исломни) оғизлари (беҳуда гаплари) билан ўчирмоқчи бўлурлар” (Соф-8); “Ахир кўксини Аллоҳ Ислом учун (кенг) қилиб қўйган, ўзи эса, Парвардигори (томони)дан нур (ҳидоят) узра турган киши (бошқалар билан баробар бўлурми)?!” (Зумар-22).

Аммо, юқорида баён қилганимиздек, унинг аслига келсак, у зиёдалиқни ва камайишни ўз ичига олмайди.

Кўпгина кишилар имоннинг зиёдалашуви ҳақидаги фикрни инкор этадилар. улар амалларни ҳам имондан деб ҳисоблайдилар. Агар шундай бўлса, унда ҳеч кимнинг имони мукамал бўла олмайди.

Биз айтамикки, юқорида баён қилганимиздек, имон бу тасдиқ бўлиб. имондан бошқа тоат-ибодатга тенг амаллар билан мавжуд бўлмайди. Амалларнинг кўпайиши тоат-ибодатнинг кўпайиши бўлиб, бу имоннинг кўпайиши эмас. Бу ҳудди бир уйда ўнта киши бўлиб, бу уйга бир аёл кирса, уйда кишиларнинг кўпайиши эмас, одамлар сонининг кўпайиши содир бўлади. Бунда кимки, аёлнинг кириши билан шахсларнинг сони ортди, деса,

рост гапирган бўлади. Кимки, кишиларнинг сони ортиди, деса, ёлгон гапирган бўлиб қолади.

Шунингдек, яна бир тоифа одамлар таъкидлайдиларки, бир кофир исломга кирса ва тасдиқланиши лозим бўлган нарсаларни тасдиқласа, у мўмин бўлади, сўнгра маълум вақтдан сўнг бир гуноҳ иш қилса, имони камаяди ва унда фақат тасдиқ қолади, тасдиқ эса унда зиёдалашмайди.

Уларга Аллоҳ таолонинг ушбу қавли тааллуқлидир: “Бугун сизга динингизни комил қилиб бердим...” (Моида-3). Ушбу оят диннинг шу кунгача мукаммал бўлмаганлигига далолат қилади. Зеро, бу ўша кунгача вафот этган мухожирлар, ансорлар, Бадр шаҳидлари, Расулуллоҳ (с.а.в.)га байъат қилган барча саҳобалар ва Маккада душманларининг қасосини олиш учун ўзларини Аллоҳ учун қурбон қилганларнинг барчаси ноқис динда вафот этганлар, деб айтувчиларга жавобдир. Шунингдек, улар Расулуллоҳ (с.а.в.) ноқис динга даъват қилганлар, дейдилар. Ушбу сўзларнинг соҳиби комил динда бўла туриб, юқоридаги фикрларни билдирган. Зеро, у ўзини кўрсатиш ва макташ йўлида барча ҳаракатларини ишга солса ҳам, уларнинг эришган бир мақомларига ҳам эриша олмайди. Шу билан бирга Аллоҳ таолонинг китоби - Қуръони карим ноқис динни олиб келган, деб ишонади. Бу фикр эса ботилдир.

Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ ва у кишининг издошлари наздиларида имон зиёдалашмайди ва камаймайди. Имом Шофеъий айтадиларки: “Имон зиёдалашади ва камаяди”. У киши ушбу оятни далил қилиб келтирадилар: “У (Аллоҳ) Ўз имонларига яна имон қўшилиши учун...” (Фатҳ-3).

3. Имон ва ислом (мўмин ва муслим) бир маънони англатиши. Агар имоннинг маъноси тасдиқлаш эканлиги билинса, у ҳолда имон ва исломнинг бир нарса эканлиги аён бўлади. Бу икки сўз синоним сўзлар туркумига ўхшашдир. Ҳар бир мўмин муслим ва ҳар бир муслим мўминдир. Имон исм бўлиб, Аллоҳ таолонинг ягоналигини ақл, оят ва манбаларнинг гувоҳлик берганлигини тасдиқлаш учундир. Бу борада унинг шериги йўқ. Ислом кишининг ўз нафсини тўлалигича бўйсундиришидир. Шунингдек, ҳар бир нарсада Аллоҳ таоло учун Унга ҳеч нарсани шерик қилмаган ҳолда бандалик қилишдир.

Баъзи ҳашавийлар имоннинг ислом эмаслигини таъкидлайдилар. Улар Аллоҳ таолонинг ушбу қавлини ҳужжат қилиб келтирадилар: “Аъробийлар имон келтирдик, дедилар. Айтинг: “Сизлар имон келтирмадингиз, балки сиз исломга кирдингиз”.

Улар исломни тасдиқлаб, имонни инкор қилган ҳолда исломни имондан эмаслигини таъкидлайдилар. Шунингдек, улар Жаброил (а.с.)нинг ҳадисларини ҳам ҳужжат қилиб келтирадилар: Набий (с.а.в.) Жаброил (а.с.)дан имон ҳақида сўраганларида, у киши: “Аллоҳга, Унинг фаришталарга, китобларига, пайғамбарларига, Охират кунига ва яхши ва ёмон тақдирнинг Аллоҳдан эканлигига имон келтиришдир”,- деб жавоб берганлар. Ислом ҳақида сўраганларида: “Ла илаҳа илلاллоҳ” деб гувоҳлик бериш, намоз ўқиш, закот бериш, Рамазон ойида рўза тутиш ва Ҳаж қилишдир”,- деб жавоб

берганлар. Аввалида Расулуллоҳ (с.а.в.): “Агар буларни қилсам мўъмин, кейингиларига амал қилсам муслим бўламанми?”-деб сўраганларида, Жаброил (а.с.): “Ҳа”,- деб жавоб берганлар. Шундан сўнг Расулуллоҳ (с.а.в.): “Тасдиқладим”,- деганлар.

Бизнинг наздимизда имоннинг ҳақиқати зикр қилиб ўтганимиздек, бири бошқасисиз мавжуд бўлмайди. Уларнинг иккаласи бир маънода ишлатилиши ҳудди араб тилидаги ўтириш маъноси “қуъуд” ва “жулус” блгани кабидир. Бунда кишининг имоннинг барча шартларини бажарса муслим бўлмаслиги ва исломнинг барча шартларини бажарса мўъмин бўлмаслиги ақлдан йироқ нарса эканлиги ойдинлашади. Бунга Аллоҳ таолонинг ушбу қавли далил бўлади: “Албатта, Аллоҳ наздида (мақбул) дин – Ислом (дини)дир” (Оли-Имрон-19).

Шунингдек, Аллоҳ таоло ҳалқни икки қисмга қисмга бўлиб, шундай дейди: “Бас, сизлардан (баъзиларингиз) кофир ва сизлардан (баъзиларингиз) мўъминдир” (Тағбун-2); “Баъзи юзлар оқарадиган ва баъзи юзлар қораядиган Кун...”(Оли-Имрон-106). Сўнгга уларга қарата айтиладики, агар имон ва ислом бошқа-бошқа сўз бўлса, бирининг мавжуд бўлишини бошқасисиз тасаввур қилиш мумкинми ва мўъминни муслимсиз ва муслимни мўъминсиз тасаввур қилиб бўладими? Зеро, агар шундай бўлса, дунё ва Охират ҳукмида мўъминни муслимсиз, муслимни мўъминсиз бўлиши қандай бўлишига нима дейсан? Аган ҳукм фақатгина биттасига бўлса-ю, бошқасига бўлмаса, бунинг нотўғрилигини кўрсатади ва у ботил нарсага айланади.

Расулуллоҳ (с.а.в.) замонларида одамлар учта тоифага бўлинганлар: мўъмин, кофир ва мунофиқ. Уларнинг қайсилари муслим бўлганлар? Ваҳоланки, уларнинг тўртинчиси бўлмаган.

Агар мўъминлардан бўлган, деб айтсалар, уларнинг мазҳабларини тарк этадилар. Агар кофирлардан эди, деб айтсалар, бу диндан бошқасини қабул қилиши керак бўлади. Бу эса куфр ёки нифоқнинг нишонасидир. Аллоҳ таолонинг қавлига мувофиқ: “Кимки Исломдан ўзга динни истаса (қабул этса) ундан (у) сира сира қабул қилинмагай” (Оли-Имрон-85). Имон эса бундан бошқа нарса бўлиб, қабул қилинмайди. Балки, куфр ва нифоқ қабул қилинади. Бу гаплар эса очиқ-ойдин куфрга олиб боради. Уларнинг оятга оид жавобларига биз айтаемизки. Унинг маъноси (Аллоҳ билувчироқдир) Улар қиличнинг кучидан қўрқиб шундай деганларидир. Чунки ундан мурод Аллоҳ таолонинг каломига биноан имоннинг ҳақиқатидир, яъни “Кимки Исломдан ўзга динни истаса” оятига мувофиқ. Агар шундай бўлса, ва оят мунофиқлар ҳақида бўлганида, Ислом уларнинг уларнинг наздиларида Жаброил (а.с.) айтиб ўтганларидек, зоҳирий амаллардан иборат бўлиб, нифоқ аҳли унга бўйсунуши ва уни қабул қилиши лозим бўлганида эди, бундан бошқасини, яъни ихлос билан келтирилган имонни қабул қилинмаса ҳам бўлиб қолар эди. Шунингдек, имонни қалбларига кирмаган ва мусулмонлардан қўрққан ҳолда имон кетирган нифоқ аҳлидан ҳам қабул қилиш керак бўлар эди. Бу эса очиқ-ойдин нотўғридир.

Бу уларнинг Жаброил (а.с.)нинг ҳадислари ҳақидаги фикрларига жавоб бўлиб, биз ушбу ҳадис бўйича уларга айтаемизки: Агар Ислом ва имон бошқа-

бошқа нарса бўлса, бирининг бошқасисиз мавжуд бўлишини тасаввур қилишнинг турли хил ҳақиқати нимада? Агар бир инсонга Набий (а.с.)нинг Исломи нима? деган саволга берилган жавобдаги барча ҳислатлар берилса, ва у Исломи нима? деган саволга берилган жавобдаги амаллардан тийилса, у муслим бўлиб, Охиратда муслимлар каби азоблардан қутулиб, Охиратда муслимлар учун ваъда қилинган мукофотларга эришадими?

Агар бу саволга: “Ҳа”,-деб жавоб берсалар, унинг қалбида ёлғон бўлган ҳолда қалб билан тасдиқланиши керак бўлган барча нарсаларни инкор этса ҳам жаннатда абадий қолувчи муслим ҳолатида бўлишини ва азоблардан қутулиб қолишини даъво қилган бўладилар. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло мунофиқларни дўзахнинг энг тубида бўлишларидан хабар берган. Булар эса ҳақиқатдан йироқдир.

Агар бу саволга: “Йўқ”,-деб жавоб берсалар, у ҳолда уларга айтиладики: Бир шахс Исломининг шартларига амал қилиб келаётган бўлса-ю, қандай қилиб уни муслим эмас, деб тасаввур қилиш мумкин? Қандай қилиб ўтирган кишини ўтирмапти, деб айтиш мумкин? Шунингдек, ейиш, ичиш, юриш ва бошқа ҳиссий ҳаракатларда ҳамда тоат-ибодат, гуноҳ, имон, куфр, рўза ва намозда ҳам ҳудди шундай. Бу эса, ҳақиқатларни инкор этишдир.

Агар улар : “У ҳолда ҳадиснинг маъноси нима?”,-деб айтсалар, биз айтаемизки: Бизнинг мақсадимиз сизлардан ҳадис маъносини сўраб, шу билан машғул бўлиб қолиш эмас, балки, сизларнинг гапларингизни ёлғон эканлигини кўрсатиб беришдан иборат. Ўйлаймизки, Аллоҳ таоло бизга бу ишни муваффақ қилди.

Ўтилган мазу бўйича саволлар:

1. Абу Ҳанифа эътиқодида имоннинг ўртлари қандай?
2. Имоннинг ягона сўз эканини ким таъкидлаган?
3. Имон билан ислом ўртасида фарқ борми?
4. Имоннинг шартларига кимлар амалларни киритган?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Окилов С. Абул Муин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридия таълимоти / Монография. – Т.: Нур полиграф, 2008. – 190 б.
2. Рудольф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Рус тилидан таржима. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – 398 б.
3. Мотуридий Абу Мансур. Китоб ат-тавҳид / Фатҳуллоҳ Хулайф нашрга тайёрлаган. – Истанбул: ал-Мактаба ал-исломия, 1979. – 408 б.
3. Насафий Абул Муин Маймун ибн Муҳаммад. Баҳр ал-калом / Валийуддин Муҳаммад Солиҳ ал-Фарфур нашрга тайёрлаган. – Дамашқ: Мактаба дори-л-фарфур, 1997. – 411 б.
4. Насафий Абул Муин Маймун ибн Муҳаммад. Тасбират ал-адилла фи усул ад-дин: II жилдли. К. Салома нашри. – Дамашқ: 1990-1993. – 1011 б.